



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 1999 йил 3 февраль, чоршанба

• № 10 (11.093)

• Эркин нархда сотилади

## ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

(2-3 бетлар)



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ХАЛҚАРО «КУРАШ» АССОЦИАЦИЯСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий қадриятларни, мардлик, жасурилик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзда мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олинганлиги муносабати билан халқаро «Кураш» Ассоциациясининг жаҳон миқёсидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жаҳоннинг 28та мамлакати вакилларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида халқаро «Кураш» Ассоциациясини мувофиқлаштириш, вазоратлар билан ҳамкорлик қилиш, унинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ваколатхоналар ишини йўлга қўйиш, китъа ва жаҳон биринчиликлари ташкил этиш ҳамда ўтказиш, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш Ассоциациянинг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги эътиборга олинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда халқаро «Кураш» Ассоциациясини бош қароргоҳини жойлаштириш учун алоҳида бино ажратиб, уни Ассоциация балансига ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги халқаро «Кураш» Ассоциациясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар

Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан унинг ҳисоб рақамига 10 миллион сўм миқдорда маблағ ўтказсин.

4. Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ва унинг Ўзбекистон ҳудудидаги бўлиmlари ва корхоналари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлардан, боғжона тўловларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Иттифоқи солиқ олиниши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан кураш спорт турини ривожлантириш ҳамда Ассоциациянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга фойдаланиш белгилаб қўйилсин.

Курашни ривожлантириш ҳомийларининг фойдадан тўлайдиган солиқ базаси уларнинг Ассоциация ҳисобига ўтказиладиган маблағлари миқдорига мувофиқ равишда қисқартирилсин.

5. Ўзбек курашини, унинг халқаро анъаналарини, ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Кураш» ойллик адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик, ахборот-реклама журнали таъсис этилсин.

6. Оммавий ахборот воситаларига Ассоциация фаолияти билан боғлиқ барча тадбирларини кенг жамоатчилиikka етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1999 йил, 1 февраль.



### ОҲАНГАРОННИНГ ОППОК НОНЛАРИ

«ОҲАНГАРОНДОН» оқиқ турдаги ҳиссдорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон аҳолисини энг улуг неъмат ҳисобланган нон ва нон маҳсулотлари билан тўла таъминланишига муносиб ҳисса қўшапти.

Утган йили 80 минг тонна сифатли ун ва 40 минг тонна омихта ем ишлаб чиқарган миришкор-

— Бунга, — дейди жамият бош директори Зайниддин Мусаев, — замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланилаётгани, ишлаб чиқариш технологияси ва маданиятида ижобий ўзгариш ясалгани сабаб бўляпти.


Одамлар ўзларини жамиятнинг ҳақиқий хўжайинлари деб ҳис қилишмоқда. Сарф қаражати камайтириш, хом ашёни тежаш, яхши меҳнат қилиш билан бир қаторда техника воситалари бенуқсон, самарали ишлатилмоқда. Чунки, жамоа корхона акцияларининг асосий қисмини сотиб олган. Олинган соф фойданинг бир қисми уларнинг ўзига дивиденд сифа-

тида берилмоқда. Масалан, корхона акциясининг бир донаси 500 сўм туради. Биргина утган йилнинг ярмида ҳар бир акция учун 105 фоиздан, яъни 525 сўмдан дивиденд тўланди. Жумладан, Мухтабар Қурбоновада 387та акция бор. У олти ойда ойликдан ташқари 150 минг сўм дивиденд олди. Корхонада бундай ишчилар кўпчилигини ташкил этади.

Даврон АХМАД.

**СУРАТЛАРДА:** Оҳангарондон корхонаси кўриниши; 2-тегирмон бўлимида; инженер-химик Сафида Маматкулова ва лаборатория мудири Наталья Цой (юқорида) маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

Муаллиф олган суратлар.



### ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

КЕЧА халқ депутатлари Ангрён шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди.

Илгар Ангрён шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келган Ҳамидулла Асатов Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини этиб тайинланганлиги муносабати билан шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди.

Тошкент вилояти ҳокимининг индустриал ривожланиш ва истеъмол бозори масалалари бўйича муовини бўлиб ишлаб келган Илҳом Асадов Ангрён шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзакулов иштирок этди ва сўзга чиқди.

### КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ТОШКЕНТ вилояти халқ таълими бошқармаси ўқитувчилар малакасини оширишга катта эътибор бермоқда. Кейинги вақтларда юз нафар муаллим АКШ, Япония, Франция, Туркия каби мамлакатларда малака ошириб қайтганлиги бунга мисол бўлади. Айни пайтда тўрт нафар ўқитувчи Бельгия ва Шотландия мактабларида таъриба ўрганмоқда.

Вилоятда кўпгина иқтидорли ўғил-қизларнинг хорижий давлатларда билим олиб қайтаётгани ҳам яхши анъанага айланиб қолди. Чунончи, кибрайлик Нилуфәр Пирматов, юқоричирчиқлик Сайёра Исмоилова, Инна Ли каби аълочи ўқувчилар ҳозир Франция ва Корея республикасида тенгдошлари билан бирга ўқишмоқда. Бундан ташқари ўтказилаётган кўриктанловларнинг талайгина голиб ўқувчилари ҳам турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Булар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур асосида амалга

оширилаётган ишларнинг бир қисми холос. Зеро, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган маъруз ҳужжатлар бу йўналишдаги бугунги ва истикболдаги улугвор вазифаларни аниқ белгилаб бердики, уни оғишмай амалга ошириш давр талабидир.

Айни пайтда вилоятда 892 мактаб мавжуд. Уларда 36 минг нафардан зиёд ўқитувчи ёш авлодга сабоқ бермоқда. Мактабларда ўқув-тарбиянинг янги шакли ва услублари дадил жорий этилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими оммалашиб бормоқда. Қибрай тумани ва Олмалик шаҳридаги бир қатор билим масканларида бу борада каттагина таъриба тўлланди. Мактаблар моддий-

## БАРКАМОЛ АВЛОД КЕЛАЖАГИНИ КЎЗЛАБ

техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув куроллари билан таъминлаш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Утган йили тўққизта янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бироқ, бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, янги мактабларни жиҳозлашда сусткашликка йўл қўйилаётган. Бир қатор мактаблар авария ҳолатидадир.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур муҳим ташкилий ишларни амалга оширишини ҳам тақозо этмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тоҳиев. — Хусусан, тўққиз йиллик мактабда ўқийдиган болалар аниқланди. Шунга қараб жойларда қайси йўналишдаги лицей ва касб-хўнар коллежини

очишни режалаштириб олдик. Маълумотларга қараганда, вилоятда ҳар йили 50 минг нафардан зиёд ўғил-қиз тўққизинчи синфни битириб чиқади. Бугунги кунда уларнинг ярмидан сал кўпроги умумий таълим машғулотларини давом эттираётган бўлса, атиги 20 фоизи касб-хўнар ўрганишга жалб этилмоқда. Қолган 20 фоизи эса эътибордан четда қолмоқда. Олмалик шаҳрида бўлиб ўтган халқ таълими ходимлари вилоят семинар-кенгашида ана шу масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бинробарин, уч йиллик таълим муассасалари фаолиятини кенг йўлга қўйиш, уларда болаларга чуқур билим бериш билан бирга касб-хўнар ўргатиш зарур.

Айни пайтда Ангрёнда радио-техника коллежи фаолият кўрсата бошлади. Чирчиқда қад ростилаётган, кимё технологияси бўйича кадрлар тайёрлайдиган ана шундай маскан эса ҳадемай 600 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олади. Умуман, 2005 йилгача 11та академик лицей, 146та касб-хўнар коллежи куриб ишга туширилади.

Таълим-тарбия ишларини тубдан ислоҳ қилиш, машғулотларни янгилаш ташкил этиш, замонавий билим ва касб-хўнар масканларини куриб ишга тушириш ҳар томонлама баркамол ёш авлодни вояга етказишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Неъмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

#### «АСКЕНТ» ДАН КЕЙИН «ТЕХНО»

«АСКЕНТ ЛТД» — Қибрай туманида яқинда рўйхатга олинган корхоналарнинг бири шундай номланди. У Саудия Арабистони тадбиркорлари билан биргаликда барпо этилди.

Икки томоннинг сармояси асосида бунёд этилган корхона маъданли сувни идишларга қуйишга ихтисослашган. Яқин кунларда бу ерда шифобахш об-ҳаёт қуйилган шиша идишлар фуқароларимиз дастурхонидан пайдо бўлади.

Тошкент туманида эса Россия билан ҳамкорликда ташкил

этилган «Техно ВЭК» кўшама корхонаси ҳам рўйхатга олинди. У турли хил техника воситаларини таъмирлашга мўлжалланган. Шундай қилиб ўтган йил охирига келиб, чет эллик сармоядорлар билан бунёд этилган кўшама корхоналар сони бир юз элликтадан ошиб кетди.

Собир ҲАМИДОВ.

#### ТАДБИРКОРЛАР САҲИ КЕНГАЙМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗДА ишбилармонлар сонининг ортиб боришида Янгийўл шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Аҳоли орасида уюштирилган суҳбатлар, энг ишчан, қўли гул касб эгалари иштирокидаги танловлар яхши самара берди. Утган йилнинг ўзида кўплаб кишилар палатага аъзо бўлдилар. Натижада, 1997 йилда тадбиркор-

лар маҳаллий бюджетга 15 миллион сўмлик даромад келтирган бўлсалар, ўтган йили бу кўрсаткич 35 миллион сўмни ташкил этди. Аҳолига хизмат кўрсатиш тури бештага ортди.

Саид АХМЕДОВ.

#### ДУКЕНТДА ХОВЛИ ТҮЙЛАРИ

АНГРЁНДАГИ Дукент кўрғонида 24 хонадонли янги уй фойдаланишга топширилди.

ШАҲАРДАГИ 42-таъмирлаш участкаси пардоздан чиқарган ушбу бинога 24 оила қўчиб ўтди. Бунёдкорлар янги уйни пардозлашнинг ўзига бир миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлашди.

Таъмирловчилар

айни кунларда «Таштелеком» ҳиссдорлик жамиятининг Ангрён бўлими АТСлари биноларини таъмирлашмоқда. Улар шу кунгача 1,5 миллион сўмлик иш бажаришга улгурдилар.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

#### «ҒАМХҲҲҲ» — ЮҚОРИЧИРЧИҚДА

ЯҚИНДА Юқоричирчиқ туманида «Камолот» жамғармаси туман бўлими ва Қизил Ярм ой жамиятлари ташаббуси билан «Ғамхўрлик» деб номланган тадбир ўтказилди.

Унга туманда истиқомат қилувчи етим-есирлар, ногиронлар ва кам таъминланган оила фарзандлари тақдир этилди. Бу хайрия тадбирида мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, она-Ватанимизни мадҳ

этувчи куй-қўшиқлар ҳамда шеърлар янгради. Туман «Камолот» жамғармаси ва Қизил Ярм ой жамияти ходимлари тадбир сўнггида 50 нафар болаларга иссиқ кийим-кечаклар совға қилишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

# ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари



**САВОЛ.** Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган равоён йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?

**ЖАВОБ:** Менимча, етти-саккиз йиллик тажрибалар асосида тугал хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки биз яшаб ўтаётган давр ҳақида, миллатимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуқтаси бўлган истиқлол йиллари ҳақида мукаммал хулосаларни тарих ва келгуси авлодларга ичкиришга ҳақлиқдир. Лекин бугунги ўзимиз бевосита широкчиликлар бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни зикр этиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш қўлчилик ўйлангандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ўзингизда бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айрим давлатлар эски тизимдан воз кечиб, бирданига демократия қуради, бирпасда ривожланган

мамлакатлар даражасига эришамиз, деб хомхаёл қилган эди. Бугун, ордан етти йил ўтиб, уларнинг қуруқ гап эканини, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади.

Шу каби ҳаёт сабоқларини ўйлаб, бошимиздан кечган воқеаларни таҳлил қилиб, ақл тарозисидан ўтказиб, шундай тўхтамга келаманки, **Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак** экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янги ҳаёт шаклида рўй беради. Шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназул замонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган. Бунга Амир Темури хукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққиёт топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош широк давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртани-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, **адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор**.

Нафақат мамлакатимиз миқёсидан, ўйламанки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, боринги, оила мисолида ҳам омадиди, фэйз-баракамизнинг гарови ва шартли бўлиши тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.

Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга — фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

топмоқда.

Бу албатта мустақилликнинг — мустақил тафаккурнинг маҳсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юритиш қийин эди. Ҳамма нарса коммунистик мафкура қолип билан ўлчанган у замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъий назар, ичидаги ғам-ташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда — оддий зиёлими, етук олимми ёки таниқли арбобми — барибир, айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-келмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақли одамлар қирғин-қатаронлар туфайли кўриб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қон-қонига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифодалар эди.

Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало **одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани** билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлиқ дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқарши ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккури атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичида — кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда.

Бу муҳим, ғоят долзарб масала бўйича бизнинг ёндашувишимиз шундай: **биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз**.

Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қилади, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан қарор этадиган мафкура — миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шarti — одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишидир. Шу маънода миллий ғоя, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очиқ-ойдин гапириш, ўйламанки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради.

Биз йигирма биринчи аср бўсағасида яшаймиз.

1

3

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, биз тараққиётимизнинг, миллатимиз тарихининг ҳозирги босқичида, маълум маънода ана шу даврларни янги ҳаёт шариҳида қайта бошдан кечиряёмиз. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўяёмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этуви, сақлаб туривчи омил бўлиши лозим. Чунки, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламасдан иш туттиш ярамайди. Одамларга яхши кўринаман, деб «чиroyли» широклар билан жамоатни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳволи қандайлигини кўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоғи эмасми?

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустақил турмушнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асоратларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни тақрирлаш — ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш ниҳоятда қийин ва машаққатли жараён. Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, **энди инкор қилиш қайфиятидан бунёдкорлик қайфиятига ўтиш пайти келди**.

Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, енгилб ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан — миллатлараро низо-лардан, биродарқушлик қирғинларидан худонинг ўзи асрасин.

Шуқри, биз халқимизнинг азму шижоатига, бунёдкорлик кучига таянган ҳолда, ўтиш даврига хос қийинчиликларни енга бориб, ўз йўлимизни аниқ белгилаб олдик ва шу йўлда озми-кўпми ютуқларга эришдик. Албатта, ютуқлар ҳақида гурурланиб гапириш, кўп-кўп мисолларни келтириш мумкин, аммо сохта обрў орттириш йўлида кўкракка мушт уриб оламга жар солиш бизнинг табиатимизга ётдир.

Шу ўринда эътиборингизни, айниқса оммавий ахборот воситалари ходимларининг диққатини бир нар-

сага жалб этмоқчи эдим.

Юртимизда амалга оширилган катта ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига мамлакатимиз раҳбарияти бошқоқ бўлиши табиий ҳол. Лекин бу жараёнларда кўпчиликнинг иштироки, қолаверса, ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Бу ишлар бутун халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати туфайли амалга ошмоқда. Президентнинг вазифаси эса жамиятни олиғ мақсадларга, ёрғу келажаққа интилиш йўлига чорлаш, бирлаштириш, жиқлаштиришдан иборат экан, бу иш менинг зиммамга тушибди. Мен нима иш қилган бўлсам, худ до берган қобилиятимга яраша, халқимизга суянган ҳолда қилдим. Яратганга шукроналар бўлсинки, халқ менга шонди.

Ана шу ишонч одамни эзгу йўлга бошлайди, қанот беради, керак бўлса, мислсиз куч-ғайрат бағишлайди. Азалдан қолган нақл борки, давлат бошлиғи ҳам ўз халқининг феъли-атвориға яраша бўлар экан.

Мен бир гапни кўп айтганман. Яна тақрирлайман: бизнинг юртимизга Оллоҳнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа биров чиқарди.

Ҳар қандай таназулдан, таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда, одамларнинг мададига таянибгина чиқиш мумкин.

Халқига суянмаган раҳбар ҳеч замонда бирон натижага эриша олмаган. Ахир, ҳар бир фуқароннинг жамиятда ўз ўрни, ўз бурчи ва масъулияти бор. Лекин уларни улғу ва олижаноб мақсадлар йўлида руҳий, маънавий жиҳатдан бирлаштирадиган йўлбошчининг майдонга чиқиши тарихий тараққиёт тақозосидир.

**САВОЛ.** Ҳурматли Ислам Абдуганиевич, кейинги вақтларда мустақиллик мафкураси, миллий ғоя ҳақида жамиятимизда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жамоатчилигимизга яхши маълумки, **Сиз одамларнинг тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг қалбига ана шу улғу ғояларни сингдириш борасида доимо жон куйдириб келасиз. Ижозатингиз билан энди миллий ғоя, миллий гурури, маънавият масалалари ҳақида тўхталсак...**

**ЖАВОБ.** Миллий ғоя ҳақида жуда кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқадиган ва уни ўзида ифода этади. Бу ҳақида асосий фикрларимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларимизда ҳам билдирган эдим.

Шу нарса эътиборга сазоворки, кейинги вақтда «миллий ғоя» деган тушунча ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини

2

4

Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай кўчлар орасида «Ҳезби таҳрири исломия» ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширинча, пинҳона олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илтиришга, турли йўллар билан уларнинг миёсиги захарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-ҳаҳди билан ҳеч қандай маблағларни аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўймаймиз ва қўймаймиз ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадраймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-этиқодини, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бermoқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири — бу Оллоҳни танишидир. Лекин инсоннинг мана шу буюқ фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини жалғитиб, ўз фаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўлаш—дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин.

**Мафкуравий таҳдид ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз керак.** Ҳозирги вақтда Россия-Белорус иттифоқи атрофида зўр бериб шов-шув қилинмоқда. Маълум сиёсий кўчлар бу иттифокнинг «жозибаси»ни тарғибу ташвиқ қилиб, унга МДҲ ҳудудидаги бошқа мамлакатлар халқларини ҳам маҳлиё қилишга интиломоқда. Албатта, озоқлик наъшасини тоғиб кўрган, эркин нафас олаётган ҳар бир ақли расо одам бунинг тағида нима ётганини яхши билади. Аммо бу кўчлар бугунги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, мафкуравий таъсир воситалари ёрдамида сиёсатдан узоқ, содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган совет ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқштирмоқчи, шу йўл билан буйнимизга яна ўша эски буйинтурукни ilmoқчи. Ишончим комилки, эрксевар ва ўз қадр-қимматини яхши англаб олган халқимиз бунга асло рози бўлмайди. Бинобарин, жамиятимиздаги барча соғлом кўчлар бундай хатарларга қарши курашга ҳамisha тайёр туриб, кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни авж олдириши керак.

Оллоҳ насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Ҳўш, янги асрга биз қандай онг, қандай мафкура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий ғоя билан кириб бoramиз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, ғоят мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари — концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кўчлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-бирдан кескин, бир-бирдан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олга қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда депсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилик жамиятига ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга беғона турли хил мафкуравий таъсирлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бундай ҳафтни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз — бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Ҳўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичида ва четдан таъсир ўтказиши мумкин бўлган қандай мафкуравий кўчлар бор?

Бу кўчларнинг ғоялари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак? Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий ғоямиз қандай бўлмоғи лозим? Уни қундалик ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида тадбиқ этишининг йўл ва усуллари нималардан иборат?

Шу муносабат билан бизга ҳавф солиши мумкин бўлган айрим мафкуравий таҳдидларга ватандошларимиз диққатини қаратмоқчиман.

Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бунгунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир.

Мафкура соҳасида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган **яна бир ҳавф** — бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий широклар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоеён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмас, балки умумий туркий халқ бор эмас. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, кирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳокзо тушунчаларга барҳам бериш керак эмас.

Биз бундай қарашлар билан сира келишолмаймиз. Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм заминидан «Авесто» пайдо бўлган замонлардан бунён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқабган эмас, балки, Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, биз қадим тарихий илдизларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз муштарак бўлганини эътироф этамиз, улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин **биз ўзимизни ҳамisha мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз**. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади.

**Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак.** Миллий ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.

Ўйламанки, бу соҳада энг устувор вазифамиз — халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарлар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишидир.

Шу ўринда мустақиллик ва истиқлол йўлида биринчи қадам қўяётган даврда ягона оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимизнинг долзарб широкга айланган сўзларни еслатмоқчиман. «Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

(Давоми. Боши 2-бетда).

яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир. Ишончим комилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликка чорлаётган бундай шиор миллий гоёмиз ва тафаккуримизнинг асосий мезонига айланиб қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орзуларимизни рўйбга чиқарадиган асос бўлиб хизмат қилар эди.

Гап миллий гоё ҳақида борар экан, ўз-ўзидан **уни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш** масаласи келиб чиқади. Айтиш керакки, бу осонгина бўладиган иш эмас, балки жуда чуқур илмий-сиёсий, назарий-амалий ёндошувни талаб қиладиган машаққатли жараёндир.

Бугунги вазирамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пешқадам вакиллари мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади.

**САВОЛ. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида маънавий ҳаётимизнинг асосий йўналиш ва тамойиллари шаклланди. Бунда Сизнинг назарий қарашларингиз, миллий қадриятларни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятингиз асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан янги асрда маънавият соҳасидаги бош гоёмиз нимадан иборат бўлиши лозимлиги хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.**

**ЖАВОБ.** Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан поклаганига, қалбани улғайтишига чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бизнинг, айтайлик, 1991 йилдаги маънавий савиямиз билан ҳалқимизнинг ҳозирги руҳий ҳолати ўртасидаги фарқни қиёслаб кўриш кифоя, деб ўйлайман. Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуқтаи назардан ёндошганда, ҳаётдаги, жамият онгидаги ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнглимиздан ўтадиган «Кеча ким эдику бугун ким бўлди?» деган савол билан белгилаш мум-

кин эмасми?

Бевосита сизнинг саволингизга келадиган бўлсак, унга жавоб бериш, маънавиятимизнинг келгуси асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, айтиб ўтганимдек, аввало жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вазифасидир.

Шахсан менинг бу борадаги қарашларим куйидагича: модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йиғирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни **эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий гоёмиз бўлиши зарур.**

Биз шу пайтгача маънавият борасидаги ишларимизни одамларнинг тафаккурини эски тузум сарқитларидан халос этишга, ватандошларимиз қалбига миллий мустақиллик гоёларини сингдиришга қаратдик. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришдик. Лекин бу орттирган тажрибамиз эркин демократик жамият куриш йўлидаги илк қадамлардир. Чунки биз кўп йиллар давомида шаклан овоз, моҳиятан эса қўллик ҳолатида яшаб келган эдик. Афсуски, узоқ давом этган бу зулмнинг асоратлари ҳали-ҳануз тўла барҳам топгани йўқ. Айниқса, бу иллат бизнинг онгу тафаккуримизда чуқур ўрнашган бўлиб, ундан фориг бўлиш осон кечмапоти.

Ҳуқуқий ҳолатот, ҳуқуқий саводсизлик, маъмурий-ҳуқуқий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишимизда рўй берган қатағонларнинг мудҳиш таъсири кўркинчали туш каби ҳамон хотирамиздан ўчмай келади.

Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, **озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун орд билмайдиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни** тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш ғўяларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажига катта ишонч ва заъф билан қарайман.

Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўплаган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб кел-

мавхум улуг гоё учун эмас, шулар учун жон берган. Яъниким, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонини фашизм балосидан ҳимоя қилган. Бу ҳақиқатни мен такрор-такрор айтганман ва у халқимиз томонидан эътироф этилган. Уйлайманки, бу масалада сиз айтган хавотирга ўрин йўқ.

Аслини олганда, маънавият ва тарихий хотира тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Марҳумлар хотирасини эслаш, эъзоллаш — савоб иш. Шунинг учун ҳам биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.

Бўлгуси Хотира майдонига қадам босадиган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар кечади — билмайман, лекин шу нарсага ишончим комилки, бу ерга келадиган ҳар бир инсон, ёшу қари ватандошимиз Иккинчи жаҳон уруши ва кейинги урушларда юртимиздан иштирок этиб қурбон бўлганларнинг қадр-қиммати ҳақида беихтиёр ўйга толади, уларни ёдга олади, хотираси олдида бош эгади, орамизда ҳали ҳаёт юрган собиқ жангчиларни кўпроқ иззат-икром қиладиган бўлади. **Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади.** Бу муқаддас қадамгоҳ фақат урушда шайхид кетганларнигина эмас, балки халқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонини тиккан Қодирий, Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллатимиз фидойиларининг хотираси учун ҳам тикланган обида бўлади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб тиловат қилиш, уларнинг хотирасини, арвоқларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир. Уйлайманки, Хотира майдонига қадам қўйган, уни зиёрат қилган ҳар бир инсон ҳаёлида айна шу олижаноб одатимиз жонланади. Ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, фақат ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илоҳий ва муқаддас ҳолат унинг бутун вужудини қамраб олади. Хотира майдонини чинакам муқаддас қадамгоҳга айланиб қолишига ишонмаман.

Энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қиладди. Чунки қаттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида, бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳумронлик қилиш» учун энг маъмур усулларини ишлаб олган, бир миллат вакиллари бири-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор.

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Майли, эҳтимол уларнинг орасида адашганлари, ўз халқининг миллий манфаатларига қарши борганлари ҳам бўлгандир. Балки ўша одамлар бугун қилмишига пушаймондир, руҳий азоб тортаётгандир. Бу ҳақда ўйлаш, жавоб бериш — аввало уларнинг ўз виждонига ҳавола. **Қолаверса, дунёда Оллоҳ ҳукми борлигини, у ҳамиша барқарор эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим.**

Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, ҳозирги мураккаб, қалтис паллада эски гина-қудуратларни кўзгаб, тарафма-тароф пароканда бўлиб кетиш халқимиз учун асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. **Миллий гоё миллатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак.** Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган гоё бузғунчи гоёдир.

Биз ўтмишимизнинг мана шундай аянчли, фожиали саҳифаларини чуқур таҳлил қилиб, ҳаққоний ҳулоса ва сабоқлар чиқаришимиз керак. Миллий гуруҳ тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида ҳар куни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни озодлигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёсат олиб бордик. Одамларни «сен — коммунист», «сен — диндор» деб гуруҳларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадрижий, эволюцион сиёсат натижаси, унинг мантқий давоми ва ривожидир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишимизга баҳо берганда, ўша давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша даврнинг «улкан арбоблари»га ва «моҳир ташкилотчилари»га нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очик ақс эттириш керак, деб ўйлайман.

Бу нарса ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўч олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан авваламбор ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қиладди.

Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, жамиятнинг доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч — миллий гоё, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, бордини асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало ўсиб келаятган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш — маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим. **Амир Темур бобомизнинг таъбири билан айтганда, халқимиз, миллатимизнинг да-**

5

7

ган. Биз бундай жамиятни куришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини тақомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш, ўз заманимизга тадбиқ этиш лозим. **Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовида ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.**

Бугун жамиятимиз олдида турган бу улугвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш энг аввало таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик гоёларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомиийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур.

Асримиз бошларида жаҳидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳоти бугун юртимизда ана шундай саховат бўлуқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, саҳий инсонлар диёримизда кўплаб топилди. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир тўйиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб курсу бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чирогоимизни ёқадиган, шу Ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлиши маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт.

Маънавият соҳасида янги асрга мўлжалланган асосий йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак: бу мақсад ва гоёлар халқ онгига сингадими, жамоатчилик уларни қўллаб-қувватлайдими ёки йўқми — ҳамма гап мана шунда. Бу фикрлар фақатгина гоё ҳолида қоғозда қолиб кетмаслиги, қуруқ гап, қуруқ шиор бўлиб қолмаслиги лозим. Уларни амалга ошириш учун бизга жонқуяр, бева-бечорага ачинадиган, ўз ризқини муҳтож кимса билан баҳам кўришга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидокор инсонлар керак.

Бундай хусусиятлар эса, ота-боболаримиз тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шартотида шаклланади. Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба-аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи

жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқийёс макон — бу маҳалладир.

Узоққа бормай, кундалик ҳаётимизга назар ташлайлик. Кўпқаватли уйларда турувчиларнинг ақсарияти одатда темир эшиклар ортида яшайди. Эшикка қулф устига қулф уришларини айтмайсанми? Бундай жойларда қўни-қўшинчилик, яхши кунда шерик, ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ўзига яраша. Оддий йўлакни сугуриб-сидириш ҳам сансалорликка олиб келади.

Маҳалла эса бутунлай бошқа бир олам. Маҳаллада эшигига тўртталаб қулф осиб олган кишига одамлар қандай қарайди? Бундай кимса ўз-ўзидан жамоатдан ажраб қолмайдими? Ёки кўча эшигининг олди сугурилмаган уйга совчи қадам босадими? Демокриманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни-қўшинларнинг яхши-ёмон кўнларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг саҳардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъий назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оксоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, кўпчилик ичида яшаш инсондан нафсини тийишни, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади. **Аслида инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан худдо бўлишга интилоғи керак. Чунки, ҳамма қулфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади.** Уни енгитиш инсоннинг кучи, иродаси етадими? Бу саволга ҳам жавобни биз маънавиятдан излашимиз керак.

**САВОЛ. Сиз бундан уч йил муқаддам 9 май — Ғалаба байрамини Хотира кунини сифатида нишонлаш ташаббуси билан чиққан эдингиз. Сизнинг таклифингиз билан бу кун бундан буйён Хотира ва қадрлаш кунини деб аталадиган бўлди. Бу ҳаракат жамиятимизни фикрий бўлинишга олиб келмасмикин? Ахир, уруш қатнашчиларни орасида ҳамон совет орденларини тақиб, фалон тепалик учун қон тўкканман, деб юрганлар ҳам йўқ эмас-ку?**

**ЖАВОБ.** Албатта, бундай одамлар бор. Лекин ишончим комилки, бу одамлар сиз айтгандек, қандайдир номсиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жангоҳда бўлмасин, ўз она юрти, тугилиб ўсган кишлоғи, муштипар онаси, суюқли ёри, фарзандларининг қадрдон сиймоси доимо юрагида, фикру ҳаёлида турган. Жан-гу жадал майдонларида Сталин учун ёки қандайдир

рдларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**САВОЛ: Муҳтарам Президент, бу йил Ўзбекистон халқи ҳаётида сайловлар йили сифатида муҳим босқич бўлади. Сиз бўлгуси сайловлар ва уларнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?**

**ЖАВОБ:** Аввало, бўлажак сайловлар барчамиз учун катта синов бўлишини айтиб ўтмоқчиман. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий қайфиятлар айниқса яққол намойён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кўчлар сайловга тайёргарлик қўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши — буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди.

Бундай ҳолатлар доимо бўлган, лекин бугун демократик тамойиллар ва қадриятлар жамоатчилик онгида қарор топаётган, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги учун шартит шаклланиб бораётган бир пайтда бу масала бўйича очик гапириш, унга одамларнинг ўз муносабатини ошқора билдириши алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг демократик давлат куриш, фуқаролик жамияти барпо этиш каби олижаноб мақсадларимиз ҳам шунга ундайди. Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳуқуқий фуқаролик жамиятида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга эканини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу борадаги қонуңчилигимизни муттасил равишда замон талабига мос ҳолда тақомиллаштириб бормоқдамиз.

Ишончим комилки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асослар демократик сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч қандай монеликсиз рўйбга чиқариши, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода эта олиши учун имконият беради. Бир қарашда бу осонгина кечадиган жараёнга ўхшайди, лекин унинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари борки, бу ҳақда муфассалроқ тўхталмиш лозим деб, ўйлайман.

Бизда эркин сайловлар ўтказиш бўйича муайян тажриба тўплаган бўлса-да, у ҳали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмига эга. Демакки, биз жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонуңларимизнинг моҳиятига теран кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унутмаслик керакки, бўлгуси сайловлар кўп-

партиявийлик асосида ўтказилади. Кураш қизғин бўлади. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига сингдириш лозим.

Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ гоёга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарafdори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, партия тарafdорлари нима учун курашаётганини ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндошув ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга танқидий кўз билан қарашни, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, вазимин мулоҳазалар, пухта ўйланган ҳулосалар билдириши керак. Уларни асослас, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарafdор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган гоёларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор, деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи **мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишдир.** Бир пайтлар оташин шоиримиз Чўлпон «Юртин, дўстлар, халқ ичига борайлик!» деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, бўлгуси сайловларда ўз тарafdорларини кўпайтириб, жамиятга етакчи маъқени кўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзалардан сақлаш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлаши керак.

Албатта, бу йилги сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, халқаро ташкилотларнинг синчков нигоҳи остида ўтади. Бу сайловларимизнинг холис, ошқора ва демократик руҳда ўтишига кўмаклашадди.

Бизнинг мақсадимиз — сайловларни ўз Конституциямиз ва қонуңларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонуң-қондалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминида ўтказишдир. Умумэтироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қиладди.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак сайловларни демократия нуқтаи назаридан, келажакимиз нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш керак.

6

8

# СЕВИНЧ БОШҚА, ҲАҚИКАТ БОШҚА

**Тўйлар қандай бўлиши зарур? Бу ҳамма вақт ҳаммани ўйлантириб келган муаммолардан эди. Муаммолиги шундаки, тўй-маросимларни ўтказиш учун маълум дастур, йўл-йўриқ йўқ. Боз устига оилаларнинг бюджетли, қолаверса, дунёқарши, онги ҳар хил. Шунинг учун ҳам уни бир қилишга солиш анча амри-маҳол.**

Шуни ачинаш билан таъкидлаш кераки, келин-тушар, қиз чиқаришларда сарпо-сургулар, олди-бердилар, ҳайитларда 70-80 талаб йўқлов тугуни қилишлар, ЗАГСда 10-15 талаб машинада юришлар, видеокассеталарга туширишлар қушқондан чиқиб кетганди.

Биз Президентимизнинг тўйларни ихчам ўтказиш тўғрисидаги фармонида кейин бу маросимлар келажакга биз анча ишонч билан қараган эдик. Аммо, афсуслики ахвол эски ҳаммом, эски тослигина қолмоқда. Жойлардаги қузатувлар яна қирқ-эллик талаб тоғора қилишлар давом этаётганлигини кўрсатди. Тўғри, фуқаролар йиғинлари вакиллари, маҳаллалар кўмиталари раислари фармонга амал қилган ҳолда текширишлар ўтказишди. Айримларни оғолаштиришди ҳам. Лекин, бу талабчилик ҳали етарли эмас. Назорат янада кучайиши лозим.

Муастакл мамлакатимизда ариятлар эркинлик туфайли бизда тўйлар мавсум кутмайди. Қишда ҳам улар давом этмоқда. Тўйларни ихчам, камтарона ўтказишга интилайлик. Ахир халқ билан ҳисоблашмай манманликка берилган, ҳозирги турмушимизда исрофгарчиликка, эл меҳнатига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлаётган, азалий урф-одатларимизни оёқости қилган кўпчиликнинг қўлайлиги бораётгани ҳамнинг нафосини таъна бўлади.

ЗАГСни олайлик. Ҳўш, бу ерда қиммат борми? Хали она сўти оғзидан кетмаган қизлар йиғитлар йиғилишиди. Икки ёшнинг янги қураётган оиласига нима билан ва қандай маслаҳат беришди улар. Уларни маслаҳатда муҳтоб бўлган бу

онаси йиртишлар бериши, ўлпон сарпоу қилиб бориши, қизнинг онаси йиғитнинг ҳамма қариндошларига патнисда мева-чева, нону-пишириқлар қўйиши, қизнинг бутун тақинчоқлари, бош-оёқ кийим-кечакларини инъом этиши лозим. Шундан кейин аёллар орасида гапнинг кўпчилигини айтмайсизми.

Яна шу келинчорлар кўни кечки пайт қувё ўн-ўн беш ўртоғи билан қайночасиникига келиб, зиёфатда бўлиши ва ўзига атайилган кийимлари кийиб кетиши одати мустаҳкам ўрин олган.

Бу маросимлар ҳам видеокассеталарга бошдан-оёқ эзилди. Номдор ашулчилар созаданлар катнашиб, «сид-

бунинг устига қизи ва қувёга бош-оёқ сарпоу, қуда-қудагайларга кийим-кечаклар қилиб келиши шарт. Бундай тўйларда қизнинг онаси катта автобусда қарнай-сурнай ва хатто артистлар билан 50-60 нафар бўлиб қуданикига келиши лозим. Олиб келадиган масалликларини озик-овқатларини айтмасак ҳам бўлади.

Ҳозирги кунда янги туғилган чақалоқларга ақика маросими ўтказилиб, ўғил бола бўлса боз устига хатна тўйи ҳам қўшиб ўтказиб юборилмоқда. Лекин, шуни ҳам айтиш кераки, баъзи қудалар тўй ясаб келиши оёқ тираб талаб қилмоқда. Натижанда, қўнғилсиз воқеалар содир бўлмоқда.

Бизнингча, бу ташвишларнинг ўрнига янги кўзи ёриган аёлнинг қувватлини кетиши чораларини кўриш, имконият бўлганда икки жоннинг саломат қолганлиги, оилани мустаҳкамловчи фарзанди дунёга келганлиги шарафига икки қуда ўзаро келишиб, ихчам ҳолда йиғин ўтказиши мумкин. Ахир, туғилган фарзанд икки қуда томон учун қувончи воқеа-қул! Сарпоулар эса фақат чақалоқ учун қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундай ортиқча сарф-харajatлар нимага керак, деб сўрагудек бўлсангиз, баъзи ота-оналар мардум нима дейди, мардум, деб жавоб беришди. Ахир, мардум сиз билан бизнинг ўзимиз-ку! Наҳотки, бир неча йиллар пешона тери билан топишган ҳалол ризқимизни беҳудага сочиб юборишга йўл қўйсак. Бунинг ўрнига ҳар икки ота-она янги туғилган фарзанда бир-икки сира кийим-кечак қилиб, уй-рузғор зарур бўладиган анжомларни олиб бери-ю, янги бўшган она-ни парваршиласа, нур устига аъло нур бўлади. Баъзи хо-надонларда эмизикли онанинг

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

### ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ИШЛАМОҚДА

ЎТган кун И Тошкентда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг навбатдаги сессияси ўз ишони бошлади. Ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилати ҳомийлиги ҳамда техникавий кўмағида ишлаётган ушбу гуруҳнинг икки сессияси бўлиб ўтган эди. Улар минтақада ядро ҳафсизлиги ҳудудини яратиш бўйича Ўзбекистон Президенти Исроил Каримов ташаббусини амалий экспертларидан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилати ва Атом, энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг маъсул ходимлари иштирок этиётган бўлиб сессия бўлажак битим лойиҳасининг модда-модда муҳокамасини давом эттирди.

### Ўзбекистон ва жаҳон

жаҳатдан рўёбга ошириш учун ҳуқуқий асос тайёрлашга бағишланган эди. Марказий Осиё давлатлари Федерацияси президенти Борис Ельцин душанба кўни ўз таваллудининг 68 йиллигини нишонлади.

- ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Давос шаҳрида Халқаро иқтисодий форумнинг йиллик кенгаши ўш бошлади. Унда 40дан зиёд мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва бош вазирлари иштирок этди.
- ХИТЎЙ ҳуқумати раҳбари Чжу Жунцзи расмий ташриф билан шу йилнинг апрель ойида АКШга боражаклиги эълон қилинди.
- ЖАНУБИЙ Африка Республикаси президенти Нелсон Мандела Олмония омма-ви ахборот воситалари муқофотига сазовор бўлган эди. Баден-Баден шаҳрида ушбу муқофот Н. Манделага топширилди. Президент қоранга танил халқлар тенглиги учун курашгани ҳамда бу борадаги фаол саяё-ҳаракати учун шундай муқофотга лойиқ деб топилди.
- ИРЛАНДИЯ НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига жорий йилнинг иккинчи яримдан эътиборан қўшилиди, деб баёнот берди ушбу мамлакат бош вазир Берт Ахерн.
- ОВРУПО Иттифоқи билан Куба ўртасидаги алоқалар истиқболли «озодлик ороли»да демократик анъаналарнинг қандай ривож топишига боғлиқдир. Италия ташқи ишлар вазир Ламберто Дини кубалик ҳаммаси Роберто Робайно билан учрашганда шундай фикри изҳор этди.
- ВЕНЕСУЭЛА президенти Рафаэл Калдера миллий конгресс (парламент) олдига давлат бошлиғи сифатида охириги ҳисобот берди. У кеча давлат бошқаруви янги президент — Уго Чавесга топширди.

### Мавзуга қайтиб

қидил» хизмат қилишади. Бу ҳаражатларнинг юки яна кўпроқ қиз узатган томонга тушади.

Бизнингча, келинчорлар ва қувёчиқирини бирга қўшиб, ниқоҳ тўйидан ўн-ўн беш кўн кейин оилавий даврада ўтказиш маъқулроқ. Қудаларнинг нимага қодирлигини кўрган дўста бирдорлар чорларларда иштирок этиши шарт эмас...

Фарзанднинг туғилиши оилада катта қувончга сабаб бўлади. У оилани мустаҳкамлаш учун ҳам, қудалиқнинг чўқур илдиз отиши учун ҳам ниқоҳда аҳамиятлидир. Лекин, қадимий урф-одатларимизга риоя қилмаётган қудалар ўртада қўнғилчиликни, ортиқча ташвишни келтириб чиқармоқда.

Бешик тўйи, хатна тўйи деб ном олган йиғинларда асосий ўрнини хотин қудалар эгаллашади. Бу тўйларда қизнинг онаси бор-йўғини сарфлаб, бешикка сарпоу тиктиради, унинг ёнига аравача, қаровот, беланча, ариғмоқ, неча юз хил ўйинчоқларни машаълдек яратишади. Чақалоққа 20-30 бош турли-туман кийим-кечак,

**Абдуҷаббор МАННОПОВ, пенсионер. Меҳрибон ТОҶИЕВА, Қибрай туманидаги Ўқитқор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. Изаат СУЛТОНОВА, Юқоричирик тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси. Обид ЮНУСОВ, меҳнат ва уруш фахрийси.**



**БОЛАЛАРДА она табиатга меҳр ўйғотиш учун, аввало, ўқитқорнинг ўзи уни жондилдан сева билиши, кундалик ҳаётда ўз ақидасига амал қилиши зарур. Бўка туманидаги 2-мактабнинг олий тоифали биология ўқитқорини, халқ таълими ағлочиси Даврон Темиров ҳақида гап кетганда унинг ана шу ҳислатларини алоҳида таъкидлашади. Муаллим бир неча йилдирки, талабалари қалбига атроф-муҳитни соф сақлаш, унга ҳурмат ва эътиборда бўлиш тўйгуларини сингдириб келмоқда. СУРАТДА: Д. Темиров машғулот пайтида. Умид АҲМЕДОВ олган сурат.**

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 406-қарорига асосан:

Тошкент вилояти Академик лицейлар қурилиши бошқармаси Янгийўл шаҳридаги 600 ўринли 2-ўрта мактаб ҳамда 400 ўринли ётоқхона биносини таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича қурилиш ташкилотларини пудрат (тендер) савдосига таклиф қилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент-70, Мирқўлов кўчаси, 57-«А» уй. **Тел:** 55-55-79.

- Собир Раҳимов туманидаги «ФАРАКЛИТ» масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.** Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давом этади. Корасарой кўчаси, 4-бەрк кўча, 1-уйда қабул қилинади.
- Бўка туманидаги Фаффор Азаматов номли очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ширкат ҳўжасига айлантирилиши мўносабати билан **ТУГАТИЛАДИ.** Давволар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб бир ой мўддат ичида қабул қилинади.
- ИББ-225 МКК-277 билан, «Чирчиқ-қимёқурилиш» бошқармаси ҲХҚМБ (ХУММ) билан, КПСМ УПТК билан бирлаштирилган сабабли уларнинг барча ҳуқуқлари «Чирчиққурилиш» ОТХЖда қолади. Тегишли барча масалалар билан «Чирчиққурилиш» ОТХЖга мурожаат қилинсин. **КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

### ОЛТИ ОЙЛИК ОМАД ЁР

ОЛМОНИЯ Федератив Республикасининг вакили жорий йилнинг олти ойида Оврупо Иттифокнинг раиси вазифасини адо этади. Шу сабабли ўша вақт мобайнида маъзур мамлакатда Оврупо Иттифокнинг учта энг катта анжуманлари бўлиб ўтади.

Олий даражадаги ўқув-ўқувларнинг дастлабкисини 26 февралда ўтказиш режалаштирилди. Унда Оврупо Иттифокда аъзо бўлган 15 мамлакатнинг давлат ва ҳуқуқат раҳбарлари иштирок этадилар. Иккинчи йилги эса 24-25 март кунлари Берлинда ўтказилади. Ушбу мулоқотларда Оврупо Иттифокда ислохот ўтказиш тартиблари, ташкилотнинг 2000-йилга мўлжалланган дастуридаги масалалар муҳокама этилади. Ниҳоят учинчи самит 3-4 июнда Кельн шаҳрида бўлиб ўтади.

### УМР ЯШАМОҚ ВА ОШАМОҚҚА БОҒЛИҚ

ҲАР ҚАНДАЙ давлатнинг ялли иқтисодий муваффақиятлари ўша мамлакат аҳолиси турмуш тарзига таъсир қилмай қолмайди. Кейинги пайтларда аҳоли жон бошига ялли миллий маҳсулот қўрсаткичи бўйича Африка давлатлари ўртасида катта фарқ кузатишмоқда. Ўтган йили бу қўрсаткич Ливияда жон бошига ўртача 7089 АҚШ долларини ташкил қилди. Бу Африкадаги энг юқори қўрсаткич деб тан олинмоқда. Мозабиджа аъзо бу рақам 90 доллар деб қайта этилди.

Жаҳон банки эълон қилган ҳисоботларда таъкидланганича, Жазиорда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли миллий маҳсулот миқдори 1490 АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу қўрсаткич Жазиорни минтақа мамлакатлари ичида тўққизинчи ўрин эгаллашини таъминлади. Маълум бўлишича, ўтган йилда Африкада жаъи ялли миллий маҳсулот 514 миллиард АҚШ долларига етган. Шунинг 130 миллиарди Жанубий Африка Республикасига тўғри келди. Шу жиҳатдан ЖАР китъадаги етакчи мамлакат мавқеини эгаллади.

Шу орада БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ушбу ташкилотнинг Лубнондаги муваққат қулулари ваколатларини олти ойга узайтириш тўғрисида Ҳафсизлик Кенгашига таклиф киритди. Сўнгги вақтларда Лубнон жанубида уруш ҳаракатларининг кучайганилиги ва минтақадаги вазият ўта беқарор ва ҳавфли бўлиб қолаётганилиги ҳаммани ташвишга солмоқда. Ана шундай шароитда БМТ муваққат қулуларининг маъзур минтақада қолиши ушбу ҳудуд аҳолисини ҳимоя қилиш ва ерда барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамиятта эга бўлади, дейилади К. Аннанинг баёнотида.

Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш умидларининг мавҳумлик уммиюнда «фарқ» бўлаётганлиги ушбу мўдмийонинг истиқболларини тобора хиралаштирмоқда. Шундай бўлса ҳам жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчилари бу саяё-ҳаракатларнинг ижобий натижалар беришига умид боғламоқдалар.

### ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

- АКШнинг Нью-Мексикадаги сунбий мушаклар тадқиқот институтининг профессори Мозен Шахинпоро металл ҳамда «кўблора» товлардан асалган хом ашё яратди. У электр қуввати воситасида қисқариш ва узайиш ҳусусиятига эга. Истикболда бу кашфиёт одамларнинг ишдан чиққан мушакларнинг алмаштириши мумкинлиги имконини беради, деб таъмин қилинмоқда.
- БУ ВЕКНИНГ шартли равишда «гўрда яшаш мўнобақаси» деб аташ мумкин. Англиялик Смит деган шахс ўтган йилнинг августда Менсфильддаги боғда ўз ихтиёри билан дафн этилди. Узунлиги 2,1 метр, кенлиги 70 сантиметр салкам ярим одам бўли келадиган қабрда узоқ вақт ўқиб келди. Махсуус мўри орқали қабрда, озиқ-овқат, ичимлик суви, бериб турилди. Смит қабрда китоблар ўқиб ва телевизор кўради. Шу тариқа у ўз онаси ўрнатган рекорд — 101 кунлик «қабрий ҳаётга» «таъовуз қилган» бир ватандошига қасдма-қасд қўриқдаги қилмишини амалга оширди. Эндиликда унинг 13 яшар ўғли отаси «панжажга панжа уриб», падабўрузқувори қўрсаткичининг 200 кунга етказмоқчи бўлиб турибди.
- БРАЗИЛИЯНИНГ Сантьяго шаҳрини қўршапалақлар босиб олди. Ҳар хондонда бу «қуш»ларнинг 150-200 жўфдан кўпроғи бор. Ойналар, мўрилар, эшиклар, ҳавооўғичлар атрофидаги гиж-гиж юрган «қувучи каламушлар»ни кўрган одамлар хайратга тушмоқдалар. Аҳоли уларнинг тишлашдан жуда қўрқадди. Чунки, қўршапалақлар ўта ёмон касал тарқатар эканлар. Ҳозиргача, бу махлуқотларни шаҳардаги қандай нана жалб этганлигини билмай, мутахассислар бош қотирмоқдалар.

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАДИ.)**

### КУЧЛИЛАР БИЛАН ТЕНГМА-ТЕНГ

**ИККИ ҳафта давомида шахмат ишқибозларининг бутун диққат-эътибори Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрига қаратилди. Бу беҳиз эмас эди. Бу ерда таъбир жоиз бўлса, 1999 йилнинг илк шахмат супертурнири ўтказилди. Унда жаҳоннинг энг кучли 14та гротмейстерлари иштирок этди. Шуниси қувончлик, бундай кучли шахматчилар сафида илк бор республикамизнинг ёш халқаро гротмейстери Рустам Қосимжонов ҳам бор эди.**

Албатта, ёш Рустам учун бу супертурнир ўзига хос имтиҳон ва синов вазифасини ўташи табиий эди. Эҳтимол, Рустам Қосимжонов бу турнир бошланганидан олдин қўнчилиқнинг эътиборини тортмаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугун унга ақун асалганда шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ҳамюртими кучлилар билан тенгма-тенг дона сурди. Сўнгги турда голландиялик шахматчи Йерун Пикет билан учрашиб дуранга эришди ва очколари сонини 5тага етказиб, ўн биринчи ўринини эгаллади.

### АКА-УКАЛАРНИНГ ЯНА БИР КАТТА ҒАЛАБАСИ

**ГОЛЛАНДИЯДА кучли шахматчилар беллашган кунларда Россиянинг пойтахти Москва шаҳрида ҳам ёш шахматчиларнинг халқаро турнири бўлиб ўтди. 16 ёшгача бўлган шахматчилар иштирок этган бу мусобақа ҳамюртларимиз — самарқандлик ака-ука Ҳамроқўловлар учун яна бир муваффақият келтирди.**

Жаҳоннинг энг иқтидорли шахматчилари иштирокида ўтган бу турнирда ҳақиқатан ҳам, Иброҳим ва Жўрабек ажойиб натижа қўрсатдилар. Иброҳим ўзининг чиройли ўйинлари ва комбинациялари билан кучли рақибларни ҳам доғда қолдирди. Энг кўп очко туғилган ҳамюртими мусобақанинг бош соврини топширилди. Жўрабек учун ҳам бу турнир унутилмас бўлиб қолди. У 64 катакда дона суринда бугун ўз тенгдошлари орасида фақат ака-сидан кейинги ўринда туришини исботлади ва бу турнирда иккинчи ўринини эгаллади.

Биз иқтидорли шахматчиларимизга бўлажак мусобақаларда ҳам янги-янги муваффақиятлар тилаймиз. **Талъат ЮСУПОВ.**

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ**  
**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

**Манзилимиз:**  
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**  
хатлар ва олмавий ишлар бўлими: 133-40-48  
эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.